Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 16 февраль, № 33 (7263) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирликлар, идоралар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мажлисда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш масаласи муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳалла институти фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ишончли пойдевор ва таъсирчан кучга айланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидладилар. Натижада жамият ҳаётининг самарали миллий шакли ҳисобланган мазкур ноёб тузилма мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг амалдаги ифодаси бўлди ва аҳолининг кенг қатламларини давлат ҳокимияти органлари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланди. Сўнгги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирчанлигини янада кучайтириш, ваколатларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Қайд этилганидек, бу галги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жамиятни янада ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида бўлиб ўтади.

➡2

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВ ВА ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2019 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги дастлабки масала — “Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 2019 йил 28 январдаги Фармонига мувофиқ тайёрланган ушбу лойиҳа билан ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва тасдиқлашнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Хусусан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, вазирлар ҳамда давлат қўмиталари раислари номзоди Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин, Бош вазир тақдимига биноан Президент томонидан тасдиқланади. Ҳукумат аъзосининг номзоди аввалига Қонунчилик палатасидаги масъул қўмита, фракциялар томонидан дастлабки тарзда, кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланади.

➡2

ОМБУДСМАННИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

2019 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ушбу масала дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида батафсил муҳокама қилинган эди. Муҳокамалар чоғида депутатлар томонидан Ҳаракатлар стратегияси ва уни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида белгиланган вазифаларни ҳал қилишда Омбудсманнинг бевосита иштирок этиши орқали унинг фаолияти сифатини оширишга қаратилган таклифлар билдирилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У. Муҳаммадиев ҳисобот билан сўзга чиқди.

Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг инсон ҳуқуқларига оид нормаларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида депутатларга батафсил маълумот берди.

➡2

Кун иқтибоси:

Элизабет СТРОБЛ, Вебстер университети президенти

— Ўқув муассасамиз Ўзбекистонда академик дастурларни тақдим этадиган Америкадаги илк олий таълим даргоҳига айланаётгани биз учун катта шараф.

Таъкидлашни истардимки, таълим, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим ислоҳотларни илгари суришдаги етакчилиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олдида қарздормиз. Зеро, айнан ушбу янгиланишлар ўзаро ҳамкорлигимизни йўлга қўйиш учун асос яратди. Вебстернинг Ўзбекистондаги таълим жараёнларининг бир қисмига айланишга бўлган интилиши мамлакат тарихий-маданий аҳамиятининг дунё томонидан тан олиниши билан ҳам боғлиқ. Ўзбекистонда инглиз тилини ўргатиш бўйича магистратура дастурининг йўлга қўйилиши ажойиб иш бўлди. Ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Долзарб мавзу

САЙЛОВ КОДЕКСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик сайловлар ўтказиш, том маънода, муҳим ижтимоий-сиёсий анъанага айланди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади”.

Биринчидан, мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб беришида миллий қонунчилик ва сайлов амалиётимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун давлат раҳбари 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини кун тартибига қўйди.

Иккинчидан, Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш вазифаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йил — “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига киритилди.

Учинчидан, Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди.

Тўртинчидан, ушбу Дастурга мувофиқ Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш ва уни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, муҳокама натижаларига кўра лойиҳа матнини такомиллаштириш ва Сайлов кодексини қабул қилиш, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси ҳужжатларини Сайлов кодексига мувофиқлаштириш режалаштирилди.

Бешинчидан, давлат раҳбарининг 2018 йил 4 октябрда қабул қилинган “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шубҳасиз, сайлов қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу қарор мамлакатимиз сайлов тизими ва амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

➡3

Эътироф

Денис ШУЛАКОВ: «Ўзбекистон томонидан евробондларнинг жойлаштирилиши жуда муваффақиятли бўлди»

Газетамизнинг аввалги сонида Ўзбекистон Лондон фонд биржасига халқаро давлат облигацияларини жойлаштиргани ҳақида хабар берилган эди. Мазкур жараёнда “Deutsche Bank”, “Citibank”, “J.P. Morgan” қатори Россиянинг “Газпромбанк”и ҳам фаол иштирок этди. Эътиборлиси, ушбу молия муассасаси бу борада етакчи маслаҳатчи сифатида ҳам тайинланди. Ана шу банк вице-президенти Денис Шулаков РБК агентлигига берган интервьюсида мамлакатимиз томонидан евробондлар чиқарилиши амалиёти ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

“Ўзбекистон томонидан евробондларнинг жойлаштирилиши жуда муваффақиятли бўлди, — деди у. — Бу суверен облигациялар жойлаштириш бўйича энг ноёб тажрибалардан биридир. Нега? Биринчидан, 1 миллиард АҚШ доллари иккита траншга 500 миллион доллардан беш ва ўн йилга жойлаштирилди. Якуний ставка бўйича буюртмалар китоби салкам 4 миллиард долларга етди. Мазкур жараёнда 150 нафар инвестор иштирок этди. Жараённинг энг авж нуқтасида талабномаларнинг умумий қиймати салкам 9 миллиард долларни ташкил қилди.

Ҳар бир траншда дунёнинг турли мамлакатларидан сармоядорлар қатнашди. Облигацияларнинг 30 фоизини америкаликлар ва британияликлар, ундан сал камроғини европаликлар сотиб олди. Олдисотдида осиёлик, шунингдек, Яқин шарқлик ва албатта, россиялик сармоядорлар ҳам ҳозир бўлгани жуда муҳим аҳамият касб этди. Ўн беш ойлик меҳнат, жуда кўплаб учрашувлар, тўғри танланган банк ташкилотлари синдикатлари, раҳбариятнинг битимларга бор диққатини қаратиши ушбу натижага эришиш имконини берди”.

С. МАХСУМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ҒОЗҒОНДА ТОШГА КОМПЬЮТЕР САЙҚАЛ БЕРАДИ

Нурота туманидаги Ғозғон конида мармар қатламлари 15 — 20 метр баландликдаги тизма ҳолида ер юзига бўртиб чиққан ва у ўнлаб километрга чўзилади.

Модернизация

— Бу ерда силур даврига мансуб тоғ жинслари мавжуд, — дейди ғозғонлик машҳур сангтарош Тоҳир Раҳимов. — Унинг умумий захираси 9 миллион куб метр, дея тахмин қилинади. Ҳозирги пайтда қазиб олиш ҳажми 18 минг куб метрни ташкил этмоқда.

Ўтган асрнинг охирларида Ғозғон ва Нурота мармар тошларига ишлов беришда Италия технологиялари жорий қилинди. Ғозғонда “Каррарамармар” корхонаси фаолияти йўлга қўйилгач, қурилиш материаллари бозорига ўз маҳсулотларини етказиб бера бошлади.

— Афсуски, ушбу технологияга эга бўлган икки корхона ҳам кутилган самарани бермади, — дейди ўша соҳа фахрийси Фахриддин Бомуллаев. — 1 миллион 190 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига келтирилган, мармар плиталари кесиш ва уларни силиқлашнигина амалга оширадиган мазкур технологиянинг эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлари ниҳоятда қиммат ва камёб эди. Техник носозликлар тез-тез кузатилиши дастгоҳлар аслида иккиламчи бозордан олинган, деган даъволарга сабаб бўлди.

➡2

Журналист суриштируви

МАҚТОВ УХЛАТАР, ТАНҚИД УЙҒОТАР

ёхуд Тепақўрғондаги муаммоларни ким ҳал қилади?

“Ҳурматли, таҳририят жамоаси. Учтепа тумани, 11-мавзедаги кўп қаватли уйлар атрофидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этишда ёрдам беришингизни илтимос қиламиз...”.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Тепақўрғон маҳалласи фуқароларидан келган шикоят хати ана шундай бошланади. Таҳририятдан умид қилиб йўлланган ушбу мактубда тураржойлар атрофи чиқиндиларга тўлгани, автотураргоҳлар, ички кўчалар, болалар майдончалари таъмирталаб эканлиги каби бир қатор муаммолар баён этилган.

Арзномада кўтарилган масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида “Тепақўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини томон йўл олдик.

➡4

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари муштарийлари эътиборига!

Таҳририятимиз газеталаримизнинг обуначилар манзилига ўз вақтида етказиб берилишидан манфаатдор. Шу мақсадда “Халқ сўзи” ва “Народное слово” муштарийларининг таклиф ва тавсиялари, эътирозу мурожаатларини ўрганиб, мониторинг қилиб, муаммоларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар кўришга астойдил бел боғлаганмиз. Бу борада Сиз, азиз ўқувчиларимиз кўмагидан умидвормиз.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» нашрларининг ҳар бир сонини ўз вақтида олляпсизми?

Обунани уюштирувчи ва етказиб берувчи ташкилотларнинг хизмати сифатидан қониқяпсизми?

Мазкур масалалар юзасидан эътироз ёки таклифларингиз бўлса, қуйидаги рақамлар орқали таҳририятга мурожаат қилинг.

Телефон: 71-233-10-60, факс 71-233-10-17. E-mail: info@xs.uz

Унутманг, биз учун ҳар бир муштарийнинг фикри муҳим! *Таҳририят.*

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВ ВА ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

1

Номзод мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасида ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларни ҳамда истиқболдаги вазифаларни назарда тутувчи ўз ҳаракатлар режасини тақдим қилади.

Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоси номзодини рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни тақдим қилади. Ҳукумат аъзоси Президент томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Шу билан бирга, лойиҳа билан Ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқувчи тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш бўйича ҳам янги тартиб белгиланмоқда. Унга биноан, Бош вазир Ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда парламент палаталарига Мурожаатномадан келиб чиқувчи, тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилади.

Муҳокамалар чоғида депутатлар таклиф этилаётган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар Олий Мажлиснинг муҳим қарорларни қабул қилиш ҳамда қонунлар ижросини назорат этиш борасидаги фаолиятини кучайтиришга, шунингдек, Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Шундан сўнг депутатлар навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига киришдилар.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис қуйи палатаси депутатларининг қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган ушбу лойиҳа 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Маълумки, бу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — парламентга сайловлар йили бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз сайлов қонунчилиги 5 та Қонун билан тартибга солинади. Бу эса ҳуқуқни қўллашда бир қатор мураккабликлар туғдиради. Бундан ташқари, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамойиллари ҳамда қоидаларининг кўпчилиги қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари билан тартибга солинади.

Шулардан келиб чиқиб тайёрланган Сайлов кодекси лойиҳасини яратиш жараёнида 20 дан ортиқ хорижий мамлакатнинг ушбу соҳадаги амалий тажрибаси пухта ўрганилди. Кодекс лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш мақсадида 2018 йил 19 июлда Олий Мажлис палаталари томонидан Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда Амалий ҳаракатлар режаси ("Йўл харитаси") тасдиқланди. Унга мувофиқ, лойиҳа жамоатчилик, экспертлар, илмий доиралар, амалиётчилар, мутахассислар ҳамда халқаро ташкилотлар экспертизасидан ўтказилди. ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Венеция комиссияси, МДҲ Ижроия қўмитаси ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг хулоса ва фикрлари олинди. 2018 йил 16-17 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда олинган таклифлар халқаро экспертлар иштирокида муҳокама қилинди.

Лойиҳа билан мамлакатимизнинг Сайлов кодексини тасдиқлаш таклиф этилмоқда. Амалдаги 5 та Қонунда ифодаланган нормаларни мужассамлаштиришни назарда тутадиган ушбу Кодекс лойиҳаси билан бир қатор янги қоидалар ҳам ўрнатилмоқда. Жумладан, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Экологик ҳаракат вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби қонун билан тартибга солинади. Муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жорий этиш орқали "сайлов варақаси" тушунчаси чиқариб ташланади. Сайловларни ўтказиш ёки ташкил қилишнинг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби киритилади. Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаш имзо қўйиши мумкинлиги белгиланмоқда. Овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир нечта белгилардан бирини қўйиш имкони берилади. Овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ишлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқалар) аниқ кўрсатилмоқда. Шунингдек, Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда ягона сайлов участкаларини тузиш назарда тутилмоқда. Илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиб, бу масалани қонун даражасида белгилаш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланмоқда. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугаши белгиланмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сонини 3 дан 5 кишигача кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, Сайлов кодексининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллашда бир қатор қулайликлар яратади, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамойиллари ҳамда қоидаларини тўла қонунийлик, демократик ва шаффоф ўтказишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради.

Баҳс-мунозара, қизғин муҳокамалардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ҲОЗҒОНДА ТОШГА КОМПЬЮТЕР САЙҚАЛ БЕРАДИ

1

Шартнома бўйича корхона кредитни АҚШ доллари эквиваленти бўйича сўмда қайтариши белгиланган, ўша пайтда доллар курси 141 сўмдан 784 сўмгача кўтарилиб кетгани ҳамда мармар маҳсулотлари нархининг ўзгармай қолиши корхонани иқтисодий ночорлик ботқоғига бутунлай чўктирди. Кон атрофида маҳаллий тадбиркорларнинг қўлбола усулда тошни қайта ишлаш цехлари фаолиятини йўлга қўйиши эса корхонани ички бозордан ҳам деярли сиқиб чиқарди. Жамоада раҳбарлар алмаштирилиши ҳам наф бермагач, цех кредитор банк ихтиёрига ўтказилди. Кейинчалик, маҳаллий тадбиркор томонидан у кимошди савдосида харид қилиниб, техник ва маънан эскирган барча дастгоҳлар замонавийларига алмаштирилди.

Ҳозғон мармари ҳамда гранитидан халқимиз фаровонлиги йўлида оқилона фойдаланиш ишларига ўтган йилдан чинакамига киришилди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида ушбу тош халқимизнинг наинки моддий, балки маънавий бойлиги ҳам эканлигини таъкидлаб, Ҳозғонда энг замонавий технологияларга асосланган мармарни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш вазифаларини белгилаб берди. Шунга кўра, Навоий вилояти ҳокимлиги таъсисчилиги ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти бошқаруви ҳуқуқидаги "Мармаробод" давлат унитар корхонасига асос солинди.

Корхонага лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун 4 миллиард 571 миллион сўм банк кредити йўналтирилиб, Хитойнинг "Xiamen Eastern Pegasus LTD" компанияси билан технологик асбоб-ускуналар хариди бўйича шартнома тузилди.

Ушбу ускуналар ёрдамида кондан харсангларни кесиб олишдан тортиб, тош плиталар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни амалга ошириш мумкин. Улар 28 тоннагача бўлган юк кўтариш қувватига эга юклагич, ўта унумдор компрессор механизмлари ва учта тош кесиш ускунаси, плиталарни силлиқлаш ҳамда плиталарни стандарт ва махсус буюртмага кўра кесиш дастгоҳларидан иборат.

— Тошга компьютер дастурлари асосида босқичма-босқич ишлов берилиши дарз кетиш ҳолатларининг ҳам олдини олади, — дейди цех бошлиғи Комил Саидов. — Фрезер ускунасида эса плиталар лазер ёрдамида кесилади.

Тошга ишлов беришга ихтисослаштирилган "Мармаробод" ДУК ўз фаолиятининг илк босқичларидаёқ бундай инновацион ўзгаришлар қилаётгани иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга хизмат қилади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, 2018 йилнинг октябрида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сайланиши, яширин овоз бериш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссиясининг ваколатлари, фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизини ташкил қилиши лозимлиги каби янги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Муҳокама чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши аъзолари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг 9 019 та маҳалласида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)ни сайлаш жараёнида фуқароларнинг иштирок этиш конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб қилиш, сайлов иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан, ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи тамойилларига сўзсиз ва қатъий риоя этишини таъминлаш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимларига кўрсатиладиган номзодлар, уларнинг ишчанлиги ҳамда ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни ҳар томонлама таништириш бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги энг муҳим талаблар ҳамда аниқ мақсадга қаратилган вазифалар ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунлари бўйича аввалги сайловларда ортттирилган тажриба ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жорий йил май ойида ўтказилади. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига доир сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди. Шунингдек, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Демократия тамойиллари асосида ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жорий йилнинг май ойида ўтказилиши маълум қилинди. Бу муҳим сиёсий тадбирни демократия тамойиллари асосида ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб олинди. Мухбиримиз мажлис иштирокчиларидан айримларининг бу галги маҳалла сайлови ҳамда унинг ўзига хос жиҳатлари хусусидаги фикрлари билан қизиқди.

Толибжон МАДУМАРОВ, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссияси аъзоси:

— Маҳалланинг жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёт мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ўрни беқиёс. Шу боис бу институтни янада ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Буни маҳалла раиси сайлови билан боғлиқ қонунчилик такомиллаштирилгани, ундан қатор ҳаётий меъёрлар ўрин олгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умуман, бу галги маҳалла сайлови янгиликларга бой бўлади. Ушбу тадбирни юқори савияда ташкил этиш, уюшқоқлик билан ўтказиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир. Олий Мажлис Сенати Кенгаши мажлисида шунга оид масалалар атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Фаолиятимизни шу асосда ташкил этсак, эл-юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатадиган юртдошларимизнинг фуқаролар йиғини раислари сифатида сайланишига эришамиз ва маҳалла институтининг жамият ҳаётида кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини янада оширишга салмоқли ҳисса қўшган бўламиз.

Ахрор ГУЛОМОВ, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

— Бугун вилоятимизда 411 фуқаролар йиғини бўлиб, улар орасида аҳоли сони кўплари талайгина. Олдинги сайловларда маҳалла аҳолиси сони умуман инобатга олинмасди. Бу гал ҳаммаси бошқача бўлади. Гап шундаки, сайловда кўпроқ киши иштирокини таъминлаш мақсадида фуқаролар вакиллари минимал нормаси белгиланди. Аниқроғи, эндиликда фуқаролар вакиллиги минимал нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 12 фоизидан кам бўлмайди. Бу 3 минг сайловчига эга маҳаллада 360 нафар вакил бўлади, деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши мажлисида маҳалла сайлови билан боғлиқ шу каби янгиликлар хусусида сўз юритилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Айни чоғда сайловни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳамда сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди. Буларнинг барчаси жойларга бориб, маҳалла сайловини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш ва ўтказишимизда айни муддаодир.

Рустам КОМИЛОВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори:

— Бугун юртимизда одамлар билан юзма-юз мулоқотни кенгайтириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва жойида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муҳими, бу йўлда дадил қадамлар қўйилиб, катта натижалар қўлга киритилди. Бу борада маҳалланинг ўрни, айниқса, салмоқли бўлаётгани бор ҳақиқат. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинларининг фаоллигини янада ошириш мақсадида маҳалла сайлови қонунчилиги бугунги кун талаби даражасида такомиллаштирилди. Май ойида бўлиб ўтадиган маҳалла сайлови ана шундай бир шароитга тўғри келмоқда.

Бу мазкур муҳим тадбирни ўтказиш учун янада демократик шароит яратади. Фуқаролар йиғини раиси ҳозирги давр талабига жавоб бера олиши, одамларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳокимият органларига олиб чиқиши, уларнинг ечимини топиш лаёқатига эга бўлиши керак. Бинобарин, айни пайтда сайлов жараёнини самарали ташкил этиш, уч йил муддатга энг муносиб номзодни сайлаши учун зарур ҳуқуқий шароит яратиш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Учрашув

Ўзбекистон ва Туркия энергетика соҳасида ҳамкорлик қилади

Пойтахтимизда Туркия энергетика ва табиий ресурслар вазири ўринбосари Митхат Жансиз бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда қатор турк компаниялари билан аввал эришилган келишувларнинг амалга оширилиши, шунингдек, энергетика соҳасида ҳамкорлик лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича таклифлар ҳамда энергия объектлари қурилиши, геология-қидирув ишлари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Туркия компаниялари томонидан Ўзбекистонда истиқболли, яъни буғли-газли қурилмалар, қуёшли ҳамда шамол электростанциялари қурилиши каби йўналишларда лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Таъкидлаш керакки, улар томонидан қуёш электростанцияси ва шамол паркини қуриш бўйича синов лойиҳасини татбиқ этиш, юртимизда аралаш турдаги электростанциялар қурилиши борасидаги лойиҳаларга қизиқиш билдириляпти.

Шунингдек, фойдали қазилмалар стратегик турларининг аниқланган конларида, хусусан, Навоий ва Жиззах вилоятларидаги вольфрам ҳамда олтин конларида геология-қидирув ва қазиш ишларини олиб бориш масаласи кўриб чиқилаётир.

"Ўзатом" агентлиги матбуот хизмати томонидан маълум қилинишича, жорий йил 13 февраль куни томонлар ўртасида Саритов, Хуроб ва Айдим-Етимтов майдонларида геологик ўрганиш ҳамда тажрибасаноат усулида қазиш ишларини олиб бориш, Навоий ва Жиззах вилоятларида вольфрам ҳамда олтинни топиш бўйича истиқболли конларни аниқлашга оид битим имзоланди. Туркия томони ўз зиммасига биринчи йили камида 1,5 миллион АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритиш юзасидан молиявий мажбуриятларни олди.

Туркияликлар ўзаро ҳамкорлик бўйича "Йўл харитаси" имзоланишини ижобий баҳоладилар. Шунингдек, Туркиянинг ТРАО нефть-газ компаниясининг Ўзбекистон нефть-газ тармоғи лойиҳаларида иштирок этиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинди. Қолаверса, қўшма лойиҳалар ва республикамизга фаол инвестициялар киритишни амалга ошириш учун зарур чоралар кўрилишига тайёрлиги билдирилди.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

ОМБУДСМАННИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

1

Қайд этилганидек, мамлакатимиз учун 2018 йил инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, халқимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга йирик воқеаларга бой кечди. Ҳисобот йилида айни йўналишда 60 та қонун ва 2 мингдан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ва улар парламент ҳамда жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга, қулай инвестиция муҳитини яратишга, таъсирчан ижтимоий сиёсат олиб боришга кўмаклашаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Омбудсман 2018 йилда ҳам Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишнинг барча босқичида фаол қатнашди. Омбудсманнинг назорат-таҳлил фаолиятига доир материалларидан парламент эшитувлари жараёнида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларининг ахборотларини муҳокама қилиш чоғида кенг фойдаланилди.

Оила институтини мустаҳкамлашга, ёшлар камолоти учун энг яхши шарт-шароитлар яратишга, аҳолининг заиф қатламларига ғамхўрлик қилиш, шу муносабат билан "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Yoshlar — kelajagimiz" каби мақсадли дастурлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот йилида инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлик қилиш, дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган дастурларда ўз аксини топди. Айниқса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигини нишонлаш дастурини Ўзбекистонда амалга оширишда Омбудсман фаол иштирок этди.

Алоҳида қайд этилганидек, ўтган йил инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларни ривожлантириш тарихида яна бир жиҳати билан ёрқин из қолдирди. Яъни БМТнинг Париж принципларига ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари кучайтирилди. Қийноққа солишнинг ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларининг олдини олишда Омбудсман ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш тўғрисида 2018 йил 25 декабрь куни Қонун қабул қилинди. Шу билан бир қаторда, Омбудсман фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган йўналишларидан келиб чиқиб, Омбудсман Котибиятининг штати икки баравар кенгайтирилди ва унинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Омбудсман томонидан 2017 йилда жорий этилган қонунчилик ваколатлари муваффақиятли синовдан ўтказилди. Парламент палаталари қўмиталарига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларининг хабарларини улар томонидан эшитиш тўғрисида таклифлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, бунга имконият яратадиган сабаб, шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига тақдимномалар, фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида илтимосномалар, давлат божи тўламай судларга фуқаролар манфаатларини кўзлаб ариза ва даъволар киритишга доир ҳуқуқлар амалга оширилди.

Омбудсман томонидан фаолиятнинг бош йўналиши сифатида қамоқда сақланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ишлар олиб борилди. Тасдиқланган "Қийноққа солишнинг ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларининг олдини олишга доир назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жадвали" доирасида миллий превентив механизм мандати билан қамраб олинадиган 70 дан ортиқ муассасаларга йил давомида парламент палаталари билан биргаликда мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Мазкур ташрифларда депутатлар корпуси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, "Human Rights Watch" халқаро жамоат ташкилоти ва БМТ Болалар жамғармаси вакиллари қатнашди.

2018 йилда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 10 832 та (2017 йилда — 9 074 та) мурожаат келиб тушди. Уларнинг 37 фоизи инсон ва фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, 34,9 фоизи ижтимоий, 25,1 фоизи иқтисодий, 2,3 фоизи сиёсий ҳамда 0,7 фоизи экологик ҳуқуқларга тегишлидир.

Омбудсманнинг халқаро алоқаларида ҳам жонланиш кузатилди. Ҳисобот даврида Омбудсман томонидан 2 та халқаро тадбир ташкил этилди. Хорижий давлатларнинг 22 нафар омбудсмани билан, шунингдек, халқаро ва хорижий институтларнинг 17 та делегацияси билан учрашувлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон тажрибасини кенг тарғиб этиш имконини берди. Айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро институтлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Омбудсман 2018 йилда Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари Глобал альянсининг Женевадаги БМТ Миллатлар саройида ўтказилган мажлисида илк бор кузатувчи сифатида қатнашгани мамлакатимизнинг айни соҳадаги ислоҳотлари жаҳон миқёсида эътироф этилаётганидан далолатдир.

Омбудсман ҳисоботини муҳокама қилиш мобайнида сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар томонидан давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишга доир тавсия ва таклифлар билдирилди.

Қисқача айтганда, Омбудсманнинг 2018 йилдаги фаолиятига доир ҳисобот танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Шундан сўнг муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

1

Буларнинг барчаси, бир томондан, мамлакатимизда сайловларнинг нечоғли улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгалигини кўрсатса; иккинчи томондан, Президентимиз Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ғоясининг ташаббускори эканини тасдиқлайди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамияти

Шуни таъкидлаш лозимки, ўтган икки йил ичида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. “Сайлов кодексининг долзарблиги ва аҳамияти нимада?” деган савол туғилиши табиий.

Биринчи сабаби: ушбу саволнинг жавоби сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ва амалиётининг ҳозирги ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганидек, бу борада қабул қилинган қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган.

Ушбу ҳаққоний фикрнинг тасдиғи учун сайловларга доир амалдаги 5 та Қонунни санаб ўтамиз:

1. 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун;

2. 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун;

3. 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонун;

4. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонун;

5. 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун.

Иккинчи сабаби: сайловларга доир ана шу бешта Қонуннинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ деярли бир хил нормалар такрорланган. Сайловга доир қонунларнинг кўплиги ҳам фуқаролар томонидан уларни қўллашда муайян қийинчиликларни юзага келтираётганди.

Учинчи сабаби: шу вақтга қадар юртимизда сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиб-қоидалари қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари билан тартибга солинарди. Масалан, “Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги Низом”ни олайлик. Бундай воқелик, ўз-ўзидан, Президентимиз олдимизга қўйган, яъни қонунлар тўғридан-тўғри ижро этиладиган бўлиши керак, деган муҳим талабга зиддир.

Тўртинчи сабаби: ҳозирги кунда дунёнинг 40 та давлатида Сайлов кодекслари қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати туғилди.

Бешинчи сабаби: кейинги даврда амалдаги 17 кодексдан 6 таси, яъни Бюджет, Солиқ, Божхона, Ер, Уй-жой, Шаҳарсозлик кодексларининг қабул қилингани ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакат ҳаётининг энг муҳим соҳаларини кодекслар билан тартибга солишга ўтилганидан далолат беради. Сайлов кодекси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ушбу қонун ижодкорлиги анъанасининг узвий давомидир.

Олтинчи сабаби: Сайлов кодекси лойиҳасида бугунги кунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар ҳамда илғор хорижий тажриба талабларидан келиб чиқиб кодификация қилиш, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилган.

Бу, ўз навбатида, мазкур Кодекс лойиҳасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаётган бешта яхлит қонун ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги 17 та қонун ўз кучини йўқотишини англатади.

Уни тайёрлашда қайси манбаларга таянилди?

Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда, асосан, учта манбага таянилди.

Биринчи манба — сайловлар тўғрисидаги миллий қонунчилик ва сайлов амалиёти. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайловга доир 5 та Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг 40 га яқин қонуности ҳужжатлари, шунингдек, демократик сайловлар ўтказиш борасидаги қарийб 30 йиллик миллий сайлов амалиётимиз асосида иш олиб борилганини қайд этиш лозим.

Иккинчи манба — сайловларга доир илғор хорижий тажриба. Кодекс лойиҳасини тайёрлаш давомида дунёдаги 50 дан ортиқ давлатлар, хусусан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон каби мамлакатларнинг сайлов кодекслари ва қонунлари ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда Франция, Бельгия, Польша, Албания, Арманистон, Озарбайжон, Болгария, Грузия сингари 40 та давлат ўзининг ягона Сайлов кодексига эга.

Учинчи манба — сайловларга доир халқаро стандартлар ва демократик принциплар. Сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжат атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг асосий ғоя ва стандартлари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси лойиҳаси нормаларига имкон қадар чуқур сингдирилди. Бундай ҳужжатлар жумласига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги ҳужжатлари, жумладан, 1990 йилги Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро Иттифоқнинг Адолатли сайловлар тўғрисидаги декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Лойиҳа қандай ишлаб чиқилди?

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш ва давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар талабидан келиб чиққан ҳолда, сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов раҳбарлигида Ишчи гуруҳ тузилди. Унинг таркибидан Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар жой олди.

Ушбу Ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг илк лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тайёрланган Сайлов кодекси лойиҳасининг кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамаси ва лойиҳа экспертизаси қуйидаги бешта йўналишда амалга оширилди.

Биринчи йўналиш — интернет, яъни ижтимоий тармоқларда Кодекс лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ташкил этилди. Шу мақсадда Сайлов кодекси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (www.regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамасига қўйилди ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида (www.elections.uz) ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилди.

Иккинчи йўналиш — лойиҳа фуқаролик жамияти институтлари экспертларининг жамоат экспертизасидан ўтказилди. Сайлов кодекси лойиҳасининг мазмун-моҳияти туман ва шаҳарлардаги маҳаллалар, меҳнат жамоалари ҳамда ўқув муассасаларида кенг жамоатчилик иштирокида қизғин муҳокама этилди. Бунда, айниқса, сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари фаоллик кўрсатди. Улардан тушган кўплаб таклиф ва мулоҳазалар лойиҳани такомиллаштиришда ҳисобга олинди.

Учинчи йўналиш — Кодекс лойиҳаси бўйича илмий экспертиза амалга оширилди. Бу ўринда лойиҳа бўйича келиб тушган таклиф ва тавсиялар тегишли Ишчи гуруҳ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти мутахассислари томонидан изчил ўрганиб чиқилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тўртинчи йўналиш — Кодекс лойиҳаси юзасидан бевосита амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазалари олинди. Яъни лойиҳа вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари раҳбарлари ҳамда аъзолари, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Бешинчи йўналиш — Кодекс лойиҳаси халқаро ташкилотларга мустақил халқаро экспертиза учун тақдим этилди. Бу борада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) тавсиялари, шунингдек, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) Ижроия қўмитасидан тегишли хулоса ҳамда фикрлар олинди.

Мисол учун, 2018 йил кузида мамлакатимизга ташриф буюрган Венеция комиссияси экспертлари Ўзбекистонда Сайлов кодекси лойиҳаси тайёрланаётганини ва кейинги сайловларда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати амал қилиши жорий этилаётганини ижобий баҳолади.

Бу бежиз эмас. Бугунги кунда Президентимизнинг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” режаси асосида изчил иш олиб борилмоқда. Шу маънода, олдимизда турган сайловлар нафақат қонунчилик нуқтаи назаридан, балки техник-технологик жиҳатдан ҳам мутлақо янгича форматда бўлиб ўтади.

Бинобарин, XXI аср — замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асридир. Мамлакатимиз сайлов амалиётига замонавий ахборот технологиялари тобора кенг кириб бораётгани, йилдан-йилга сайловчиларнинг сайлов жараёнига нисбатан талабчанлиги тобора ошиб бораётгани, шунингдек, сайловга нисбатан жамоатчиликнинг ишончини янада ошириш долзарблиги нуқтаи назаридан қараганда ҳам, Президентимизнинг бу борадаги ташаббуслари халқаро экспертларнинг эътирофига сазовор бўлаётгани айни муддаодир.

Шундай қилиб, кенг қамровли муҳокамалар чоғида Сайлов кодекси лойиҳаси бўйича жами 400 тадан ортиқ таклиф ва тавсиялар келиб тушди. Ушбу таклифлар диққат билан ўрганилди, умумлаштирилди ва Кодекс лойиҳасида эътиборга олинди.

Билдирилган энг муҳим таклифлар овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари, маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг хусусиятлари, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг фаолияти, номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, кузатувчиларнинг, сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан бўлди.

2018 йилнинг 16-17 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида миллий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Сайлов кодекси лойиҳасининг хорижий экспертлар иштирокидаги муҳокамасига бағишлаб халқаро конференция ўтказилди. Ушбу йўналишда бошқа бир қатор амалий анжуманлар ҳам ташкил этилди. Ўтказилган тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Янгиликлар нималардан иборат?

Сайлов кодекси лойиҳасининг тузилиши — 2 қисм, яъни Умумий қисм — 6 боб ва Махсус қисм — 12 боб, жами 18 боб, 101 модда.

Сайлов кодексининг 26 та янги, энг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

Биринчи янгилик. Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланмоқда. Бунда Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўринлари (150 ўрин) сақлаб қолинади.

Иккинчи янгилик. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда.

Учинчи янгилик. Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш Кодекс билан тартибга солинади.

Тўртинчи янгилик. Муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жорий этиш орқали “сайлов варақаси” тушунчаси чиқариб ташланмоқда.

Бешинчи янгилик. Сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишнинг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби киритилмоқда.

Олтинчи янгилик. Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Еттинчи янгилик. Овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир нечта белгилардан (+, v, X) бирини қўйиш имконияти берилмоқда.

Бундан ташқари, процессуал, яъни бевосита сайлов жараёнлари билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар жорий этилмоқда. Жумладан:

● Сайлов участкасида овозларни санаш баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланмоқда.

● Овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқалар) кўрсатилмоқда.

● Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби белгиланмоқда.

● Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда ягона сайлов участкаларини тузиш назарда тутилмоқда.

● Илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиб, Сенат аъзоларини Кодекс даражасида сайлаш масаласи киритилмоқда.

● Сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар ўрнатилмоқда. Бунда номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

● Номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланиши тартиби белгиланмоқда.

Сайлов кодекси лойиҳасида сайлов соҳасига ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилган таклифлар ҳам ўз аксини топган. Хусусан, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Венеция комиссиясининг қуйидаги 10 та тавсияси Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасига киритилди:

— Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг (2,3 минг киши) сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланмоқда.

— Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган максимал четга чиқиши 10 фоиздан ошмаслиги шарти белгиланмоқда.

— Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича сайлов округларини тузишда Марказий сайлов комиссияси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг эмас, балки халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тақдимномаларига асосланиши кўзда тутилмоқда.

— Сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш сайловга 3 кун қолганида тўхтатилиши белгиланмоқда.

— Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугаши белгиланмоқда (олдинги 1 кун ўрнига).

— Жиноят иши қўзғатилганлиги муносабати билан қонун олдида жавобгар бўлган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзод сифатида рўйхатга олинишига рухсат этилиши назарда тутилмоқда.

— Сиёсий партиянинг у ёки бу шахсни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан 15 кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ўрнатилмоқда.

— Ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодлар учун ягона муддат, яъни уларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши кўрсатилмоқда.

— Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сонини 3 дан 5 кишигача кўпайтириш назарда тутилмоқда.

— Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан 1 кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш тақиқланмоқда.

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси таклиф этган қуйидаги 3 та тавсия Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасига киритилмади:

— мустақил номзодларнинг сайловларда номзод сифатида иштирок этишига ижозат бериш;

— номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматини бадном этадиган нотўғри ахборот ва маълумотларни тарқатиш мумкин эмаслиги бўйича оммавий ахборот воситаларига қўйилган тақиқни бекор қилиш;

— сайлов жараёнларини кузатишда “фуқаролик кузатуви” институтини жорий этиш.

Шу ўринда Сайлов кодекси лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкинлигига доир норма мавжуд эканини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Сайлов кодекси лойиҳасида Марказий сайлов комиссиясига оид қуйидаги янгиликлар назарда тутилган.

Биринчи янгилик — Марказий сайлов комиссияси аъзоларига талаблар қўйилмоқда (йиғирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охирги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин).

Иккинчи янгилик — Марказий сайлов комиссияси аъзолари мақом бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглаштириляпти.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Сайлов кодекси лойиҳаси ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принципларни ўзида акс эттириб, долзарб мазмун-моҳият ва улкан ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда сиёсий аҳамият касб этади. Ушбу Кодекснинг қабул қилиниши, аввало, мамлакатимиз сайлов тизимида қонун ҳужжатлари нормалари такрорланишининг олдини олиш имконини беради.

Энг муҳими, ушбу Кодекснинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда сайлов жараёнлари янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.

Ҳамкорлик

Яқинда Ўзбекистон ишчи делегацияси АҚШнинг Миссисипи штатида бўлди. Унинг таркибидан парламент, Инновацион ривожланиш, Қишлоқ хўжалиги, Инвестиция ва ташқи савдо вазирликлари, саноат бирлашмалари, университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари жой олди.

Мамлакатимиз делегацияси Миссисипида

Ташриф чоғида меҳмонлар штат губернатори Ф. Брайант, конгрессмен Т. Келли, штат миллий гвардияси қўмондони Ж. Бойлз, қишлоқ хўжалиги ва савдо департаменти бошлиғи Э. Гибсон, шунингдек, паррандачилик, ўрмон хўжалиги ва фермерлар уюшмаси раҳбарлари билан учрашди. Мулоқот давомида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Миссисипи қишлоқ хўжалиги ва савдо департаменти ўртасида келишув имзоланди. Унда қишлоқ хўжалиги ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича ўзаро ҳамкорлик назарда тутилган. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш соҳасида тажриба алмашиш, балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш юзасидан ҳам истиқболдаги мақсадлар муҳокама этилди.

С. МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи»).

Акс садо

«ИЛЛАТЛАРДАН ЭРТАГА ЭМАС, БУГУН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАК!»

“Халқ сўзи”нинг жорий йил 19 январь сонида филология фанлари номзоди Тўлқин Эшбекнинг “Халтаевми ёки Холтоев?” номли мақоласи эълон қилинган эди. Унга газетхонлар ўз муносабатларини билдиришмоқда. Улардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Тарихан араб тилидан қабул қилинган “шариф” калимаси она тилимизда муқаддас, мўътабар, азиз, табаррук каби маъноларни ифодалайди. “Исми шариф” Аллоҳнинг муборак 99 исми ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг сон-саноқсиз ғўзал таҳаллуслари англатиши инобатга олинадиган бўлса, уни “отасининг исми” — “отчество” маъносида қўллаш тўғри эмаслиги ойдинлашади.

Ривоят қилишларича, Одам Ато жамики мавжудотлар исмларини бурро-бурро талаффуз қилиб, маъноларини батафсил изоҳлаб берганлари сабабли фаришталар бирин-кетин унга сажда қилишган экан. Ота-оналари не-не орзу-ниятлар билан азиз фарзандларига қўйган гўзал маъноли исми шарифларнинг адабий тил қоидаларига зид равишда русчага мослаштирилган ҳолда расмий ҳужжатларга муҳрлаш, шу маънода, кечириб бўлмас хато ҳисобланади. ОАВ ва китоблар саҳифаларида, телекўрсатувларда ўша ҳужжатларни асосланган ҳолда такрорлаб бораверишлари билан ҳам асло муроса қилиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, Холтоевнинг Халтаевга айлантирилгани каби хатоликлар Тахтаев — Тўхтаев, Тараев — Тўраев, Абесханов — Аббосхонов, Апакхаджаева — Оппоқхўжаева, Борий — Бўри, Гопор — Ғаффор, Марат — Мурод, Абид — Обид эканлигида ҳам кўзга яққол ташланади. Бундан ташқари, тилимизда, ёзма манбаларда деярли 1,5 минг йил мобайнида Тоҳир, Зоҳир, Соҳиб, Раҳим сингари тўғри ёзилиб ва талаффуз қилиб келинган исмларимиз Тоир, Тойир, Тахир, Таир; Зоир, Зойир, Зохир, Заир, Захир; Соиб, Соип, Сойип, Сойиб, Сахиб, Саип; Райим, Раим, Рем, Рахим бўлиб кетаётгани она тилимизга давлат тили мақомини бериш йўлидаги қизғин баҳсларда четдан туриб тирноқ остидан кир қидирадиганларнинг “ўзбеклар адабий тил нормаларини билмасликлари сабабли адабий тилда ўз фикрларини ифода эта олмай, ҳаттоки, ўз исм-фамилияларини ҳам хато ёзиш ва нотўғри талаффуз қилишга кўникиб қолишган, шунинг учун бу тил давлат тили мақомини уддалашга қодир эмас”, деган иддаоларини билиб-билмай маъқуллаётгандек таассурот уйғотади.

Тил амалиётидан узоқ бўлган “соф назариётчи”лар эмас, балки ижодкорлар — шоир-ёзувчи, муҳаррир, таржимонлар чиқиши сабаби нимада? Лоақалда:

Давлатимиз раҳбари бизнинг қонунимиз матнида ифодаланган ҳамма иллат сифатида таъкидлаган лоақалда. Шу лоақалнинг туфайли “Тўғилганим ҳақида гувоҳнома”да ота-онам, қариндошларим бўлиб дунёга келган чақалоқларнинг исми шарифини ёзишда ота-онасининг паспортларидан (илгари ўзбек тилида ёзилган) ёзилиши лозим, деб ёзилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилаётганини ва ҳатоликка йўл қўйилаётганини ҳеч ким ҳеч нарсага ҳисобламаяпти.

МАҚТОВ УХЛАТАР, ТАНҚИД УЙҒОТАР

ёхуд Тепақўрғондаги муаммоларни ким ҳал қилади?

1

Маҳалла ҳудудига қадам ташлар эканмиз, аҳоли билан гаплашмасдан турибоқ, хатдаги “ажиб манзара” кўз олдимизда намоён бўлди. Рости, бу ердаги ҳолатни кўриб, “эҳ, аттанг”, деб юборишингиз табиий.

Негаки, озодалик, поклик, яшаб турган уй-жой атрофини тоза тутиш, деган азалий қадриятларимиз бу ерда унутиб қўйилганини тушуниб етасиз. Ҳақиқатан ҳам, атроф-муҳит чиқиндиларга тўлган. Бу ҳудудда ободонлаштириш ишлари анчадан буён эътибордан четда қолганлигини яққол кўрсатади.

— Беш қўл баравар бўлмаганидек, ҳамма ҳам ободонлаштириш ишларига бир хил қарамайди, — дейди 60-уй бошлиғи Феруза Дониёрова. — Кимлардир “дом” олдини тартибга келтириб, супуриб-сидиришдан, ерда ётган чиқиндиларни махсус қутиларга солишдан ҳам ор қилади. Одамлар уй атрофида ётган чиқиндиларни тозаламас экан, ҳеч бўлмаса, уни ташламасликка ҳам ўрганиши керак-да. Аҳоли билан гаплашсак, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, маҳалла қарасин, дея иддао қилишади. Буни ҳам инкор этолмаймиз. Чунки ширкатлар фаолиятидан рози эмасмиз, улар ўз зиммасидаги ишни яхши бажаришмайди.

Ваҳолонки, ширкатлар маҳаллани ободонлаштириш ишларига масъул. Мана, болалар майдончаларидаги “качела”ларни ҳам ўз ҳисобимиздан ўрнатдик. Бу борада тегишли ташкилотларга бир неча марта мурожаат қилдик. Аммо натижаси бўлмади. “Ўзинг учун ўл етим” деганларидек, шундан сўнг ўзаро келишган ҳолда хонадонлардан пул йиғиб, болалар майдончасини ҳартугул яхшилашга ҳаракат қилдик. Айрим раҳбарларга арзимаган бўлиб кўринган болалар майдончалари биз учун, жажжи фарзандларимиз, уларнинг саломатлиги учун жуда зарур-да!

Эътиборимизни 56-уйга қаратамиз. Унинг олдида болалар майдончаси бор. Бу қувонарли. Бироқ майдонча атрофи чиқиндиларга тўла, ичкариси эса ботиб қолишингиз мумкин бўлган даражада лой. Масалага эътибор берилмаса, бу ҳолат қишдан чиқиб, ёзга етганда чанг-тўзон, ташландиқ “кичик майдон”га айланиши турган гап.

— Бизни қийнаётган муаммолар кўп, — дейди 34-уйда яшовчи Наталья Отметьянова. — Мана, масалан, квартирам балконига дарахт шохлари тегиб туради, боз устига, у қуриган дарахт. Бу бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилдим. Аммо ҳалиҳамон натижа бўлгани йўқ. Бундан ташқари, атрофимиз турли ичимликлардан бўшаган идишлару чиқиндиларга тўла.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Фуқароларнинг айтишича, кўп қаватли тураржойларга ўрнатилган кузатув камераларининг аксарияти носоз. Шахтадан ўтган яроқсиз қувурларни алмаштириш, ертўлаларни тартибга келтириш, бир нечта ноқонуний объектларни бузиб, ўрнига замонавий болалар ўйингоҳлари ҳамда яшил майдонларни ташкил этиш даркор.

— Қонунчиликда фуқаролар йиғини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш белгиланган, — дейди “Тепақўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Абдураҳмонов. — Афсуски, бу амалиёт бизнинг маҳалламизда йўлга қўйилмаган. Ўз фаолияти бўйича профилактика инспекторлари, ширкат раислари ва бошқа идора раҳбарлари ҳам фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беришмайди. Ўзаро ҳамкорликда иш юритмас эканмиз, натижа кутилганидек бўлмайди.

Яна бир гапни айтишим керак. Махсус чиқинди пунктлари уйлардан ториқ узоқда жойлашмаган. Лекин шунда ҳам айрим фуқаролар ахлатни белгиланган жойга олиб бормасдан, уйнинг шундоққина ёнига, йўлаклару кўчаларга ташлаб кетишади. Уларга қайта-қайта тушунтирамиз, озодаликнинг аҳамияти ҳақида гапирамиз. Афсуски, бу зое кетяпти.

Назаримизда, ҳудудларни ободонлаштиришда қатъий чораларни қўллаш лозим. Мисол учун, фуқаро белгиланмаган жойга чиқинди ташласа, албатта, уни огоҳлантириш керак. Агар шунга қарамай, иккинчи марта ташлайдиган бўлса, унга жарима солиш зарур. Шунда ўша одам бу ишни бошқа такрорламайди.

Болалар майдончаларини ободонлаштиришда ҳам муаммолар бор. Ҳозирги кунда маҳалламиздаги 6 та болалар майдончаси таъмирталаб. Биласизми, нега?

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрдаги қарорида мавжуд болалар майдончаларини, спорт ва ўйин қурилмаларини ялпи хатловдан ўтказиш ҳамда уларни тегишли равишда уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига бериш белгиланган эди. Лекин ушбу вазифа бажарилмай қолди. Агар мазкур объектлар майдонлари фуқаролар йиғинлари тасарруфига ўтказиб берилганида эди, вазият бошқача бўларди. Яъни ҳудудни, албатта, обод қилиб қўярдик.

Йўллар ҳақида икки оғиз сўз. Кўчаларнинг таъмирталаб эканлигини сув тўпланиб қолган кўлмакчалару лой йўллардан ҳам дарров илғаб олиш қийин эмас. Маҳалла раисининг берган маълумотига кўра, қарийб 100 километр узунликдаги ички йўллар таъмирланиши керак. Уларнинг бугунги ҳолати ёшларнинг боғча ва мактабларга қатнашларию, ёши улуғ инсонлар учун ҳам қийинчиликлар туғдирмоқда.

Муаммо каттами, кичикми — барибир муаммо. Унга ўз вақтида ечим топилмаса, у янада чуқур илдиз отиб кетаверади, одамларнинг эътирозлари эса ортаверади.

Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод маҳалла” дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда, Тепақўрғондаги кўнгилни хира қиладиган ана шундай тизимли камчиликлар, нахотки, туман мутасаддилари эътиборини тортмаётган бўлса.

Тўғри, маҳаллада хайрли ишларга ҳам қўл урилиб, ҳаётнинг ўзи жоиз. Лекин биз “Мақтов ухлатар, танқид уйғотар” деган нақлга амал қилган ҳолда, муаммоларни очиб беришга, мурожаатда келтирилган масалаларга ойдинлик киритишга уриндик. Шундай экан, тез орада туман раҳбарлари, тегишли ташкилот мутасаддилари уйқудан уйғониб, мақоламизда кўтарилган камчиликларга ечим топишига умид қиламиз. Зеро, яхшисини ошириб, ёмонини яшириб яшашдан, “ура-ура” ҳамда мақтовлар қуршовида қолиб, ҳаволанишдан ҳеч қандай маъно-мантиқ йўқ.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Китоб жавонингизга

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида “MASHHUR-PRESS” нашриёти “Адиб ва жамият” рукнида қуйидаги китобларни нашрдан чиқарди.

«МАТОНАТ МАНЗУМАСИ»

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг навбатдаги бу китоби “Ватан учун, миллат учун, халқ учун”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Адабиёт атомдан кучли” деган қисмлардан иборат бўлиб, ундан шоирнинг шеърлари, дозарб мавзулардаги мақолалари ўрин олган.

“Ватан, она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб, — деб ёзади шоир “Китобсиз келажак йўқ” мақоласида. — Бу улуғвор китобни ўқиб, англамоқ учун ҳам, унинг қадр ва қимматига етиб юрмоқ, чин ва садоқатли, маърифатли ва билимли фарзанд бўлиб шарафламоқ учун ҳам кўп-кўп, жуда кўп гўзал ва чиройли китобларни мутолаа қилиши шарт ва зарурлигини англаб етган ҳар бир ўғил-қиз шу Ватаннинг энг кўркам ва бахтли дилбанди бўла олади”.

“Матонат манзумаси” айтиш жоизки, айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

«БУНДА БУЛБУЛ КИТОБ ЎҚИЙДИ»



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган, Исҳоқхон Тўра Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов ҳамда Муҳаммад Юсуф сингари маънавият заҳматкашларининг номлари билан аталувчи ижод мактаблари ҳақида таниқли шоир ва публицист Ғайрат Мажиднинг “Бунда булбул китоб ўқийди” китобида батафсил сўз юритилади. Унинг мундарижасидаги “Қанча шонинг бўлса Ватанни кўтар”, “Бир яхши замон келди”, “Боғинг ватан деган ном олсин, эй дўст” каби номларнинг ўзиёқ она юрт йўлида чекилган заҳматлар беиз кетмаслигини ифодалаб туради.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Матонат манзумаси”дан ўрин олган қуйидаги мисралар эса 2 000 нусхадан нашр этилган ҳар иккала китоб муаллифининг муштарак мақсадларини акс эттиради:

Эй, ёронлар, халқни кўринг, кўринг орзу-ҳавасин,
Биз ёзмасак ким ёзгайдир бу кунларнинг “Хамса”син?!

Шойим БЎТАЕВ.

БОЛАЛАР УЧУН ТУҲФА

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида болаларнинг севимли адиби Худойберди Тўхтабоевнинг “Тагоб қишлоқ эртаклари”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Уч сайёҳнинг сафари”, “Донишманд бобо эртаклари” ҳамда “Сир очилди” номли асарлари нашрдан чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида мазкур китобларнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда адабиётшунос олимлар, санъат намояндалари, ёзувчи ҳамда шоирлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшлар қатнашди.

Айтиш жоизки, ўзбек халқининг қадимий урф-одати, ноёб анъаналарини ўзида жо қилган мазкур асарлар содда, самимий ва қизиқарли услубда ёзилган. Чунончи “Сир очилди” асарида болаларнинг беғубор туйғулари, орзу-умидлари, хаёлпарастлиги, шўхликлари акс этган бўлса, “Донишманд бобо эртаклари”да тарихий ривоятлар, қисса ва ҳикоялар эртак шаклида талқин қилинган.

“Тагоб қишлоқ эртаклари” — адибнинг янги романи. Унда ёзувчи ўз болалик хотираларини баён қилган.

Якунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Таълим

Ёшларга кўмаклашадиган марказ

Пойтахтимизда “Inha” глобал таълим маркази очилди. У Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида ўқиш истагидаги юртимиз ҳамда хорижлик ёшларни ўқув муассасаси фаолияти билан таништириш, уларга маслаҳатлар бериш билан шуғулланади.

Шу билан бирга, талабаларни турли халқаро грантлар ва стипендиялар ҳақида маълумотлар билан таъминлаш, чет эллик йигит-қизларга факультет танлашда ёрдамлашиш режалаштирилган.

“Inha” глобал таълим маркази замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Улар ёрдамида маълумотларни қулай ва тезкор олиш мумкин.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ-ИЛМИЙ ШАҲАРЧА БАРПО ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига мувофиқ, Тошкентда халқаро стандартларга мос кампус қурилади. Унинг ҳудудида Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти жойлашади, дейилади Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабарида.

Кампус, бу — халқаро тилда илмий, шаҳарча дегани. Мазкур шаҳарчада илмий тадқиқот ўтказиш, назарияни ўрганиш, тажриба-амалиёт ўташ ҳамда яшаш учун зарур шароитлар яратилади. Бу ерда алоқа соҳасига оид ҳарбий қисм ҳам барпо этилиб, унга қўшинларда қўлланилаётган алоқа ҳамда ахборот-коммуникация технологияларига оид барча турдаги техника ва ускуналар жойлаштирилади.

Ҳарбий қисмнинг янги ҳарбий институт ёнида бўлиши бир қанча қулайликлар яратади. Масалан, курсантлар ўтилган мавзу ёки ўрганган ускунани шу ерда амалиётда қўллашади.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги қарори билан Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ташкил этилганди.

Мазкур ҳарбий институтга нафақат Тошкент ахборот технологиялари университети, балки 20 дан ортиқ таълим муассасалари, жумладан, республикадаги хорижий ҳамкор университетлар, мисол учун, Тошкент шаҳридаги Инҳа ва Турин политехника университетининг 3-босқичини тугатган, ўқиш якунлари бўйича юқори натижаларга эришган, соғлиғининг ҳолатига кўра, ҳарбий хизматга яроқли, деб топилган талабалар танлов асосида қабул қилинади.

Ҳарбий институтни тамомлаган курсантларга лейтенант ҳарбий унвони берилади.

Шавкат ОРТИҚОВ
(«Халқ сўзи»).

Ислоҳот

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси собиқ раиси, меҳнат фахрийси
Ганжа ЯКУБОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6